

**Баҳоуддин балогардонга бориш
(достон)**

**Улуғ ватандошимиз Баҳоуддин
Нақшбанд таваллудининг қутлуғ 700
йиллик санасига бағишланади.**

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим.

**Йўқдан бор қилган, жами оламларни
яратган Аллоҳга ҳамд.**

Эй, Аллоҳим, яратганингга шукр,
Оламга нур таратганингга шукр.

Сен ўзингсан ҳар лаҳза дилларга ёр,
Биру борсан – ҳар инсонга мададкор.

Сен холиқсан, сен қаҳҳорсан, сен ҳозиқ,
Бу дунёда йўқдир сенингдек содиқ.

Сен ўзингсан қўлга қалам тутказган,
Тунларимни доим интиқ ўтказган.

Ҳар не десам топингайман ўзингга,
Қулоқ тутиб яшайдирман сўзингга.

Мен бир банда, мен бир ожиз, нотапон
Дил очмоққа чоғланганим ушбу он.

Зора, илҳом бериб битта қулингга
Солиб қўйсанг керак сўзни тилимга.

Бир суюкли муслим зотинг ёд этиб
Назм айлай бедор руҳин шод этиб.

**Бутун оламлар сарвари пайғамбаримиз
Муҳаммад саллаллоху алайҳи васалламга
наът.**

Эй, Аллоҳнинг суйгани Расуллуллоҳ,
Бизга шараф сизга бир уммат бўлмоқ.

Сиз ҳар муслим учун сарбон, йўлбошчи,
Тўғри йўлга бошлагувчи йўлдоши.

Сизга томон талпинади ҳар банда
Қайда дея қутлуғ Макка, Мадина.

Равзангизга бошин қўймоқ истагай,
Муаттар бўйингиз туймоқ истагай.

Умрингиздан ибрат олиб юрармиз,
Дини ислом равнақини кўрармиз.

Яшайдирмиз Қуръони карим ўқиб,
Яшнайдирмиз Ҳадиси шариф ўқиб.

Маънисини чақмоқ бўлиб зору-зор
Умримизни бахш айламоққа тайёр.

Қанча бедор тунлар ила ошномиз,
Қанча ёруғ тонгларга чун ташнамиз.

Элу-улус бўлса дея камолда,
Рукнларни кўрсак дея амалда.

Тилагимиз бўлсин токай ижобат
Сизга дуо йўллағаймиз беадад.

Шариф шаҳар таърифи

Бир замин бор заминларнинг замини,
“Бухорои шариф” дерлар номини.

Унда яшаб ўтган кўплаб даҳолар,
Ҳар биттаси ўз илмида яктолар.

Дин-диёнат, илму-ирфон бобида
Яратганлар муҳташам бир обида.

Унга боқиб ибрат олур ҳар бир жон
У гўёки жаҳон ичида жаҳон.

Зотан, қадим тилда шаҳарнинг номи
Дейилганмиш боқий “илм макони”.

Бухорони Бухоро айлаганлар

Бухорони айлаган
Ислом дини қуббоси,
Хожа Ҳафз Кабир у
Олий мақом рутбоси.

Бухорони айлаган
Муслимларни макони,
У – имом ал -Бухорий
Муҳаддислар султони.

Бухорони айлаган
Шаҳарларнинг шарифи,

У – Сайфиддин Бохарзий
Топилмас ҳеч таърифи.

Бухорони айлаган
Беморларнинг ҳабиби,
Улуғ ибн Сино у –
Табибларнинг табиби.

Бухорони айлаган
Муқаддас бир сарзамин,
Баҳоуддин Нақшбанд
Ҳамон асрар эл шаънин.

Бухорони айлаган
Яна зотлар бор қанча,
Улар умрин бахш этган
Шу муқаддас Ватанга!

Баҳоуддин зиёратига бориш

завқи

Баҳоуддин бобомга зиёрат чекиб борай,
Дилимга ишқ-муҳаббат уруғин экиб борай.

Униб чиққай бир куни ундан меҳр, садоқат
Умримни шу садоқат йўлига тикиб борай.

Қишу-ёзин, тун демай, уловларига минмай
Тоғу-тошлардан ошиб, дарёлар кечиб борай.

Ташлаб ғажур ўйларни, унутиб ёт кўйларни
Юрагимда йиғилган тугунни ечиб борай.

Ён-веримдан чиқсалар яхши-ёмон одамлар
Қўлларига насиҳат номалар тутиб борай.

Нажот макони шунда, кўнгил дармони шунда,

Даргоҳига доимо жонимдан кечиб борай.

Зиёратим ушалса, кўзларим нурга тўлса
Гўзал ҳаёт бағрига қайтадан учиб борай.

Зиёрат одоби

Зиёратга чиққан дил
Фароғат истар нукул.

Улуғ зотлар хокини,
Хокларни энг покини.

Кўзимга суртсам дейди,
Ғамни аритсам дейди.

Мен ҳам шундай ниятда
Пайғамбар ёшим пайтда.

Чикдим зиёрат истаб
Яёв етишмоқ матлаб.

Туғилган гўшам шу ер
Уни эл “Миёнкўл” дер.

Мўъжазгина бир қишлоқ
Яшар оила қирқ чоғ.

Ёшлигим ўтган шунда
Сеҳрли бир очунда.

Баҳоуддин қабридан
Беш чақирим жанубдан.

Йўл олганман неча бор
Зиёратдан умидвор.

Бу галги ният – бўлак ,

Ҳаприқиб урар юрак.

Ахир етти асрлик
Бобом ёши табаррук.

Унинг иқболин кўрмоқ
Бизга насибдир бу чоқ.

Кўҳна Сухорда

Ястаниб ётар Сухор
Унда эл яшар бисёр.

Янги ном – “Янги ҳаёт”
Яшайди туркий элат.

Қадимдан машҳур номи
Амир Кулол макони.

Етти пирнинг бири у,
Баҳоуддин пири у.

Бу жой менга кўп азиз
Болаликдан қолган из.

Эллик йилча муқаддам
Хароб эди жуда ҳам.

Меҳрга зор қабристон
Хох баҳор, хох зимистон.

Нақ ҳувиллаб ётарди,
Қамиш босиб кетарди.

Кириб бўлмасди сира,
Беҳад кўримсиз, хира.

Қабристонда бир қабр
Мисоли етим, сағир.

Мунғайиб турар эди
Кўрган эл куяр эди.

Тунда пилик ва ё шамъ
Ёниқ бўларди баъзан.

На бир ёзув, китоба
Кўринмасди қабрда.

Кимдир оққа бўярди,
Ким супуриб қўярди.

Энди бунда мухташам
Мақбара олий чиндан.

Истиқлол шарофати,
Элу-юрт барокати.

Қутлуғ этди бу жойни
Кўргандайин Хумойни.

Ҳамма зиёрат этар,
Келган эл яйраб кетар.

Мен ҳам улар сафига
Кириб ўлтириб пича.

Зиёрат одобини ,
Қалбимни хитобини.

Тилимда такрор этдим,
Дилимда изҳор этдим.

Зотан, Баҳоуддинни
Тавоф этмоқчи киши.

Энг аввало устозин

Бориб зиёрат этсин.

Шундай нақл бор элда,
Ўтади тилдан тилга.

Бу одобни қилганлар
Нияти қабул бўлар.

Мақбарадан чиқиб сўнг
Кирдим қабристонга – кенг.

Менинг ҳам кўп авлодим
Шу қабристон ичра жим.

Ётишибди ёнма-ён,
Бибим, отам, онажон.

Тоға, ака-укалар
Боқий қўним топганлар.

Яна қанча азиз дўст
Тиқиб турар менга кўз.

Барин зиёрат этиб,
Қуръон тиловат этиб.

Юзга тортим фотиҳа
Кўнгил юмшади пича.

Қасри Орифон сари йўл

Миёнкўлдан то Қасри Орифонга
Етгунимча йўлимда қишлоқ анча.

Унда яшар туркий, тожик элатлар,
Бир-бирига иноқ ва дўст миллатлар.

Қишлоқларни дерлар – Чоробод, Талча,
Катта Вадан, Чамбарон ва Ваданча.

Ҳар бирида дўсту-ёрлар яшайди,
Мени кўрган ҳамон қадам ташлайди.

“Бир пиёла чой бор” дея кўришар,
Ва албатта аҳволимни сўрашар.

Қандай гўзал лутф, урфу-одат бу,
Йўловчига мадад, қувват, роҳат бу.

Гарчи истак, хошиш бордир чин дилдан
Узр айтиб йўлда давом этаман.

Ва ёдимга тушар қадим-қадимда,
Шу йўлларда юз берган кўп воқеа.

Бобойи Самосийнинг Сухорга сафари

Пири муршид ва муридлар шитоб-ла
Сухор сари боришарди хитоб-ла:

“Ё Аллоҳу, ё Аллоҳ”,
Ҳақ дўст, ё Аллоҳ!”

Ўтаётиб Қасри Ҳиндувон аро
Пири муршид тўхтаб деди: “Ажабо,

Бир эр ҳиди келмоқдадир бу ердан
Сизни огоҳ айлагайман бир сирдан.

У туғилиб, ўниб улғайгач, билинг,
Қишлоқ олгай ”Қасри Орифон” номин.

Ва дуога қўл очдилар даъфатан

Омон туғилмоқни тилаб худодан.

Яна йўлда давом этди жамоат.
Дилга роҳат бахш айлағай саёҳат.

Баҳоуддиннинг туғилиши

Пири муршид айтган ўша чақалок
Мулла Жалолиддин уйида ногоҳ.

Бу дунёга келган эди ҳақ учун,
Енгиллатиб Биби Орифон юкун.

Бу хонадон ҳамиша обод эди,
Бобо Бурхониддин зукко зот эди.

Момо – Биби Солиҳа ҳам оқила,
Тарбияга моҳир эди-да жуда.

Касби- кордир нақш босмоқ матога,
Йўл қўйилмас бу ишда ҳеч хатога.

Устахона сабаб ҳалол рисқини
Тоғиб ерди улар ишлаб тун-куни.

Аллоҳ қарам этганди бу ошёнга
Ажиб тоъле битганди хонадонга.

Чақалокнинг туғилганин билиб шод
Қишлоқ аҳли айлади муборакбод.

Бобойи Самосийнинг Қасри Ҳиндувонга

келиши

Тарих учун табаррук бўлган сана

Пир муршид Бобо Самосий яна.

Ўтиб кетаётиб қишлоқ ёнидан
Деди: “Бола туғилибди онадан.

Вале, бизлар кутгандан кўп зиёда
Фарзанди аржуманд келмиш дунёга”.

Пир ташрифин эшитиб Жалолиддин
Пешвоз чиқди унга тутиб фарзандин.

Чақалоқни қўлга олиб пир шу чоқ
Назар солди тақдирига кўп узоқ.

Ва дедик: “Номи бўлгай – Муҳаммад,
У менинг ҳам фарзандимдир то абад.

“Баҳоулҳақ вал миллат вад дунё уд дин”
Дея ўқияпман унинг тақдирин.

Мурод мулки – мунаввар кечар умри,
У бўлгайдир дин ва миллатнинг нури.”

Сўнг юзланиб Амир Кулолга озод
Амр айлаб деди: “Ўғлим Муҳаммад

Тарбиясин сенга топширгум, аммо
Хатога йўл қўйсанг кечирмам асло!”

Бундай юксак ишончдан шод ва мағрур
Амир Кулол пирга ваъда бериб дер:

“Нуқсонга йўл қўйсам гар – эр эмасман,
Мен ўзимни сира инсон демасман!”

Баҳоуддиннинг болалиги

Ҳа, шундайин кечган эди воқеа,
Қонун эрур эди пир сўзи унда.

Бир боланинг қисмати, бахти учун
Қанча зотлар бахш айлаган бор кучин.

Баҳоуддин шу бахтга лойиқ эди,
Тоълеи ҳам аввалдан аниқ эди.

Бола бошдан деган гап тўғри, зотан,
Унга тақдир берилганди худодан.

Абу Толиб авлодидан отаси,
Абу Бакр авлодидан онаси.

Бирор ҳаром луқма емай яшарди,
Илм, одобда довонлар ошарди.

Тез орада довруғ топиб элатда
Одамларни соларди у хайратга.

Гоҳ тўхтатиб осмондаги булутни,
Гоҳ юрдирмай қўярди йўлда отни.

Тўрт ёшида бўлганда дер: “Шу сигир
Пешанаси қашқа бузоқ туғадир”.

Ҳақиқатан шундай кечди ҳодисот,
Ҳамма хайрон – бу қандайин каромат!

Хат саводи чиқди жуда ҳам барвақт,
Қўлда китоб бўлар эди-да ҳар вақт.

“Кўзинг чарчаб қолади” дер онаси,
Унинг эса сира келмас парвоси.

Тезроқ илм чўққисига етай дер,
Бу дунёнинг сир-асрорин билай дер.

Барча фанга муҳаббати бор эди,

Хусусан, дин илмида илғор эди.

Етти ёшда Қуръонни ёд олди у
Эл ичида беҳад доврўғ солди у.

Саййид Амир Кулол

синовлари

Устодлар доимо синар шогирдин,
Шу зайл билади улар мавқеин.

Барча толибларга буюрди устоз:
“Хилватгоҳда сўйиб келтиринг хўроз”.

Эртаси ҳар бола келди хурсанд, шод,
Қўлларида жонсиз хўрозлар бот-бот.

Фақат Баҳоуддин қўли бўш эди,
Гўё ажабланиб устоз: “Хўш?” деди.

“Узр, устоз,- деди,- бу амрингизни
Бажара олмадим – кечиринг бизни.

Аллоҳ назаридан яширин ҳеч жой
Мен топа олмадим – йўқ у ҳойнаҳой”.

Устоз: -- Балли, - деди, - бу имтиҳондан
Фақат сен ўтолдинг – ғолибсан чиндан!

Яна бир имтиҳон айлади қизик,
Қўлга ёғоч олиб чизди бир чизик.

Сўнг деди : “Ўтмангиз ҳеч мен томонга!”
Ва ўзи йўлига бўлди равона.

Толиблар тўхтади – устоз амри-да,
Сўзига кирмаган учрар қаҳрига.

Аммо Баҳоуддин ўтди шахд илдам,
Устоз сари дадил ташлади қадам.

Амир Кулол деди: ” Бир чизикни деб
Биздан воз кечмадинг – умрингга бу зеб.”

Яна кўп синовлар бўлди ул замон
Баридан мардона ўтди у омон.

Насиҳат айлади устози учта:
“Ҳеч бу насиҳатни чиқарма пучга.

Энг аввал нафсингни тийиб юр, ўғлон,
Йўқса у умрингни айлайди вайрон.

Ошно бўл ҳайвону- жонзотлар ила,
Шунда меҳринг ортиб борар тобора.

Йўлдан олиб ташла ҳар неки тош бор,
Токи одамларга бермасин озор.”

Яна насиҳатлар қилиб у бисёр
Дедиким: “Парвозинг баланд бўлсин, бор!”

Хожа Ориф Дехгароний ҳузурида етти йил

Азалдан бор шундай қоида:
Ҳар бир устоз бор илмин бериб,
Шогирдини бошқа устозга
Йўллағайдир – ўниб-ўссин деб.

Баҳоуддин бу йўлда қанча
Пири комил зотларни кўрди.
Ҳар биридан турли соҳада
Илм олиб юксалаверди.

Ахир унинг мақсади ҳам – Ҳақ
Йўлни топиб олмоқлик эди.
Элу-улусни шу Ҳақ йўлига
Бошламоқлик, солмоқлик эди...

Ғиждувондан сал юқорида
Чўли Малик чеккасида бир,
Қишлоқ бордир қадим-қадимдан
Элда номи Дехгарон эрур.

Қазон ясовчилар макони
Деб таралган юртда доврўғи.
Кўп бўлганман бу қишлоқда мен
Ва кўрганман иссиқ – совуғин.

Қишлоқдаги кўҳна обида
Устунлари мустаҳкам беҳад.
Уни ким қургани бобида
Баҳс этар олимлар ҳарчанд.

Шу гўшада яшаб ўтганди
Хожа Ориф Дехгароний зот.
Хожа Аҳмад Мисгар ўғли у
Ҳамда Баҳоуддинга устод.

Етти йилча шу азиз жойда
Иккиси кўп заҳмат чекишди.
Керак жойда бўлишиб пайдо
Керак пайтда экин экишди.

Мардикорлик қилишди ҳатто
Работи Маликни қуришда.
Кибру-ҳавони енгай дея
Қўл урушди кўплаб юмушга.

Бирда катта сел келган маҳал

Хожа Ориф бориб мардона.
Селга ўзини отиб деганди:
“Мени оқиз қувватинг етса!”

Во ажабо, сел таққа тинган
Кароматдан эл лолу-ҳайрон.
Баҳоуддин ҳам устоз монанд
Элга мадад берарди ҳар он.

Шу икки зот, шу икки сиймо
Узоқ йиллар яшаб бақамти.
Пешво бўлди даврида илло,
Севишарди улар ватанни!

Хожа Абдулхолик Ғиждувоний руҳи келиб Баҳоуддинни тарбия қилиши

Баҳоуддин кибрин енгмоқ-чун
Тун кечалар кезиб юрарди.
Ахлат ташиб кўзлардан холи
Кўча- кўйларни супурарди.

Шундай тунда бир қабристонда
Пайдо бўлди парда ичра тахт.
Мархум зотлар икки тарафда
Туришарди қатор, сафма-саф.

Баҳоуддин салом бериб шод
Устозларга тавозе этди.
Тахтда турган Ғиждувоний зот
Насихатлар қилиб сўнг деди:

“Истеъдодинг пилигини ёқ
Токи равшан бўлсин бу олам.
Сиру-асрор замирига боқ
Аён бўлар ҳаммаси шу дам.

Қадамингни узма бир умр
Амри наҳий кўчасидан ҳеч.
Бидъатлардан узоқроқда юр,
Амал қил суннатга эрта-кеч.
Ҳадисларни пешво қилиб ол,
Расуллуллоҳ издоши бўлгил.
Саҳобалар, валийлар мисол
Шунда камол топасан, билгил”.

Бу сўзларни дилига тугиб
Баҳоуддин шавққа тўлди шод.
Тўғри йўлда эканин туйиб
Меҳри ортди ҳаётга бот-бот.

Янги манзил, янги маконни
Истаб яна йўлга тушди у.
Севарди-да илму-ирфонни,
Мавжланарда қалбада ҳис-туйғу.

Қусам шайх Баҳоуддин имтиҳон

қилиши

Хожа Аҳмад Яссавий авлодидан
Турк шайхларнинг бириси эди Қусам.

Илми етук бўлган учун замонда
У Насафда яшар эди шаҳона.

Баҳоуддин кириб бориб ногаҳон
Бўсағада турди гўё ёт меҳмон.

Қусам қовун еб пўчоғин отарди
Баҳоуддин уни олиб тотарди.

Ходим кириб деди: “Хабар бор нохуш
Уч туя ва тўрт от ғойиб бўлганмиш.”

Қусам Баҳоуддинга боқиб ўша кез

Мулозимга деди: “Уни тутингиз!

Молларни шу ўғирлаган кўринар,
Топиб бермаса жазосин беринглар.”

Баҳоуддин тиз чўкиб олиб обдан
Муроқабага киришди даъфатан.

Бу имтиҳон эканин у биларди,
Қусам шайх ҳам атай уни синарди.

Шу зайлда ўтди бир мунча муддат,
Не бўларкин дея кўпларда ҳайрат.

Шом намоздан сўнг кириб ходим деди:
“От, туялар ўзлари қайтиб келди.”

Имтиҳондан ўтганди Баҳоуддин
Қусам уни бағрига босди секин.

Деди: “Менинг тўққиз ўғлим бор, аммо
Сен – ўнинчи ўғлим баридан аъло.”

Сўнг суҳбатга киришдилар чин дилдан
Мавзу – илм, дунё, адолат, диндан...

Устоз - шогирд, пиру - мурид бобида
Баҳоуддин фикри эди тобида.

Ҳар насиҳат, ҳар ўғитни пайдар-пай
Авайларди, эъзозларди тиллодай.

Юксаларди мақоматлар сари у,
Илм истаб кўздан қочарди уйқу.

Гарчи Қусам шайх олдида оз муддат
Яшаса ҳам меҳрин қозонди ҳар вақт.

То умрининг сўнгигача шайх ҳам шод

Йўқлаб турди Баҳоуддинни бот-бот.

Халил Султондан сабоқ

Осмонда ой жилва қилган бир кеча
Баҳоуддин ухлаб тин олди пича.

Туш кўрди у – тушда Ҳаким ота дер:
“Тезда Дарвеш Халил хузурига бор!”

Уйғониб бу гапдан у бўлди ҳайрон
Биби Солиҳага сўйлади шу он.

Бибиси билганди тушнинг таъбирин
Деди: ”Бўтам, ёруғ бўлур тақдиринг.

Туркистон шайхларидан сенга, билгил,
Азизлик, валийлик келур, шукр қил!”

Фурсатни бой бермай дея шод ўғлон
Кетди Халил Султон саройи томон.

Шоҳ ва илм аҳллари доимо
Бир-бирига эш бўлмоғи шарт, илло.

Маслак зарур эрур давлат ишида,
Унинг юки оғирдир бир кишига.

Ким тўғри йўл қайда эканин айтса,
Шоҳ ўша инсонга бўлса вобаста.

Улуснинг жонига дармон бўлади,
Турмуш, ҳаёт ҳам фаровон бўлади.

Шу ният бор эди Баҳоуддинда,
Ишончи ортар эди кундан-кунга.

Кўп китоблар ўқиди у тинмайин,
Мансабда ҳам юксалди у йил сайин

Охири-оқибат Халил Султоннинг,
Ким, ўша соҳиби даври-давроннинг.

Энг яқин маслакдош кишиси бўлди,
Давлатнинг ишлари юмуши бўлди.

Ва лекин... бир кунда бутун салтанат
Остин-устун бўлди – ҳамма ёқ ғорат.

Ёв босди, қирғиндан юрт ичра мотам
Ёқа ушлаб Баҳоуддин чекди ғам.

Билдики, ўткинчи экан давлат, тахт,
Дунёда ҳеч нарса эмас экан нақд.

“Фақирлик - фахримдир” ҳадисга монанд
Янги ҳаёт тарзин истабон ҳарчанд.

Энди сарой сари шошмайман деди,
Доим фақирона яшайман деди.

Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқийдан

ҳадис илмини ўрганиш.

Имом ал-Бухорий давридан буён
Ҳадис илми камол топганди чунон.

Бу илм бобида эди зўр, закий
Ул Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий.

Яшарди Насафнинг бир даргоҳида
“Муборак” аталмиш зап қишлоғида.

Борди ўша гўша сари Нақшбанд,
Бир муддат айлади у жойни ватан.

Улуғ зотга хизмат қилмоқ истарди,
Ва беҳад кўп илм олмоқ истарди.
Икки Баҳоуддин, икки дониш дил
Сухбат қуришарди узоқ муттасил.

Ҳар жабҳа, ҳар мавзу бобида ибрат
Бўлгувчи ривоят ҳамда ҳикоят.

Устоз томонидан сўзланар эди
Асл мурод бешак кўзланар эди.

Саҳиҳ ҳадисларни бирма-бир ўқиб,
Ажиб ҳикматларнинг маҳзини чақиб.

Кўнглида уйғонди меҳр ва оташ,
Дунё ҳам туюлди гўзал, фарохбахш.

Пок Расулуллоҳнинг ҳаёт тарзини
Ўқиб, ўқиб туйди нурли файзини.

Ёришди ҳақ йўли, кўринди манзил,
Энди дадил қадам ташлай олур ул.

Мавлоно ҳам унга оқ йўл тилади
Пешонасин ўпиб, бошин силади.

Қасри Орифонда

Икки замон орасида юргандайман,
Икки даврни ҳам аён кўргандайман.

Унисида макондошлар сўзлари бор,
Бунисида замондошлар излари бор.

Ҳаммаси ҳам ҳақ йўлида юрган киши,
Турфа-турфа, ажабтовурдир кечмиши.

Мен улардан ибрат олиб яшай дейман,
Эзгу ишга жилла ҳисса қўшай дейман.

Шу умидда бўладирман кеча-кундуз,
Қўлдан келган юмушимдир битмоқлик сўз.

Шу сўз сабаб шеърхон ила эш эрурман,
Қадам босиб аста-аста йўл юрурман.

Юксалишлар тортар менинг нигоҳимни,
Обод этиб бормоқда саждагоҳимни.

Янги бино, янги уйлар бунёд бўлган,
Тўй-ҳашамлар қилавериб эл шод бўлган.

Чорак аср аввал яралган бир гўша,
“Фарғона боғи”дир ҳил-ҳил мева тўла.

Шу тарафдан боргим келар қабр сари
Зотан, бу жой зиёратгоҳ ўнг тарафи.

Ўнгдан келсин дегайдир халқ ҳатто тушни
Дўстлар, сизга илинаман бу ташрифни.

Биби Орифа қабрида

Етти юз йил берида туриб
Сўзлаш осон эмасдир, аммо.
Учқур хаёл отини суриб
У замонга бўламан шайдо.

Олган билим, ўқиган китоб
Бера бошлар гўзал тасаввур.

Худди чиқиб келгандай офтоб
Ёришади ҳаммаси бир-бир.

Улуғ зотни яратган сиймо
Фаришта ё пари бўлгандир.
Ҳамма келиб айлағай дуо
Ажиб қабр тошни кўргайдир.

Ҳовуздаги ўрдак, балиқлар
Саналадир ноёб, муқаддас.
Улар эркин сузиб юришар
Таралади ёқимли бир сас.

Тиловатлар тинмайди сира
Эзгу-ният айтилар ҳар дам.
Кўҳна масжид рўпарасида
Узоқ туриб қоламан мен ҳам.

Яна Баҳоуддин ҳаёти
Мени чорлар оҳанграбодай.
Қанот ёзиб учгим келади
У яшаган замонга тинмай.

Баҳоуддиннинг ҳаёт тарзи

Ҳашамсиз яшайди донолар насли
Кибру-ҳаво доим келтирар ташвиш.
Ахир бу дунёда инсонга етар
Бир сидра либосу, озгина емиш.

Шу нақлга амал қилар эди у
На ғулом, на чўри сақламас сира.
Ҳайрон боққанларга эса дерди у:
“Бандалик рост келмас хожалик ила.”

Эски бўйра, синик кўза уйида
Қозон-товоқ ҳам эл қатори эрур.
Кўп такрор этарди у: “бизнинг йўлда

Энг аввалги қадам хайр-эхсондир.”

Халол риск-насиба касбидан келса
Муридни алқарди ёришиб юзи.
Арпа, бугдой ва мош экиб далага
Сув тараб парвариш қиларди ўзи.

Шу ҳаёт тарзидан топди у камол
Ортиб борар эди элда обрўйи.
Бухоро шаҳрида бир дарвеш алҳол
Унинг қаршисидан чиқиб сўради:

“Қани айт, бунчалик қисқа фурсатда
Юксак мартабага эришдинг қандай?”
Ердан бир дона нон ушоғин ола
Нақшбанд дер: “Ушоқ теришдан, шундай!”

Ҳа, элга, Ватанга хизмат айламоқ
Қандоқ бўлмоғига бу ибрат эрур.
Биз ҳам унутмайлик – инсон ўлароқ
Яшайлик беҳуда савурмай умр.

Хожаи Азизон кулоҳи

Эсга тушар қадим ривоят
Халқ доимо суйиб суйлаган.
Ривоятда жиндай ҳақиқат
Бўлишин ҳам чиндан ўйлаган.

Эмиш, Нақшбанд бир ёқда
Қирқ кун турмоққа айлабди жаҳд.
Ундаги сабру-тоқат, қувват
Турушига кафил эди нақд.

Ўн, йигирма, ўттиз кун ўтмиш
Мурод ҳосил бўлиши яқин.

Ва ниҳоят бир кун қолибди
Мудҳиш ўттиз тўққизинчи тун.

Одамзотнинг душмани шайтон
Чалғитибди Нақшбандни, эҳ.
Оёғини қўйибди ерга
Хатосини англаб демиш “оҳ”.

Бу аҳволни кузатган устоз
Афсус чекиб айтмиш аламда:

“Яна бир кун турганингда нақ
Қозогардон бўлардинг чиндан.”

Энди эса балогардонсан
Даф этурсан келган балони.
Хатога йўл қўймагин сира
Унутмагин бир дам худони.

Аслида-чи, аслида бир вақт
Хожа Али Ромитанийдан.
Қолган эди бир ажиб кулоҳ
Кийган бўларди балогардон.

Уни Хожа Ориф Ревгарий
Сақлар эди кўз қорачиқдай.
Кимга насиб этаркин дея
Халифа-ю муридлар кутгай.

Пири муршид Бобо Самосий
Шу кулоҳни кўзда ёши-ла,
Кийдирди энг муносиб дея
Нақшбанднинг азиз бошига.

Чиндан балогардон бўлди у
Тарихда кўп далиллар, зотан.
“Олти кунда даф бўлар” деди
Ёв келганди Дашти Қипчоқдан.

Эл шу номда атади уни

Ҳамон шу ном тилларда дoston.
Бало келса мадад сўраб дер:
“Бовадинжон о, Бовадинжон!”

Мен ҳам уни суйиб айтаман
Рухга мадад беради ҳар дам.
Йўқса кўлда юрмасди чиндан
Дил изҳорим битгувчи қадам.

Баҳоуддин кўрсатган кароматлари

“Пайғамбар мўъжиза, валий каромат
Кўрсатар” дейилган гап бор азалдан.
Нақшбанд ҳаёти шу билан гўзал
Гўё гул очилган каби чаманда.

Дейлик – насафликлар қурғокчиликда
Азият чекканда бир вакил келиб,
Мадад сўраганда, қарангки, тинмай
Осмондан ёққанди жала қуйилиб.

То вакил Насафга боргани қадар
Ёмғир ёғаверган ерга бериб зеб.
Нақшбанд сўнг фахр этиб юрганлар
“Мен насафликларнинг миробиман” деб.

Яна бир ҳолат бор ажиб ибратли,
“Каромат кўрсатинг” деса ёронлар.
Ўриндан бир туриб, яна ўтириб
Демишлар – “бу ҳолга бўлмангиз ҳайрон.

Елкада шунча кўп гуноҳлар ила
Яшаб турмоғимиз ўзи каромат”.
О, дўстлар, бу гапни бир танамизга
Ўйлаб кўрайлик-да, олайлик ибрат.

Яна бир воқеа – анжуман томон
Бир валий ҳавода учиб келган он.
Кўплар ҳайратдан лол, лек Баҳоуддин
“Пашша ҳам учади” дебди бемалол.

Ажаб суҳбатларга ташна муридлар
“Энг улуғ каромат не” деб сўрсалар.
Кароматгўйликка қарши у сиймо
“Кароматни пинҳон тутмоқ” деганлар.

Зотан, ҳалол риску-насиба топиб
Пешона теридан турмуш бут бўлган.
Тарикат йўлига кирган киши ҳам
Бир хунар ўрганиб сўнг мурид бўлган.

Баҳоуддин қабрига йўл

Хаёл олиб қочади
Мени узоқ-узоққа.
Ҳидлаб-ҳидлаб тўймасман
Шу муқаддас тупроққа.

Нақшбанд ҳам бир замон
Шу заминга эгилган.
Ҳар гиёҳ, ҳар заррани
Авайлаган, пок билган.

Соф бўлмоқлик фарз эрур
Ҳам зоҳир, ҳам ботинда.
Шу сабабдан ул зотлар
Қадр топган қадимда.

Она ва ўғил қабри
Ораси озгина йўл.
Аммо шу ораликда
Фазилат кўп, ҳикмат мўл.

Ҳар ким нигоҳ ташлайди
Бу дарахтзор оралаб.
Гул бўйларин ҳидлайди
Ўз таъбига саралаб.

Мен ҳам одим отаман
Шод инсонлар ичида.
Халал бермайин дейман
Юриб оёқ учида.

Зиёратга келганлар
Дили очиқ бўлади.
Улуғларни деганлар
Иқболи ҳам кулади.

Ахир улар қалбида
Бор-да орзу-умидлар.
Ниятим шу – ҳеч қачон
Сўнмасин бу удумлар.

Ҳовуз бўйида туриб
Кўнгил тўлар соғинчга.
Нақшбанд эккан тутни
Кузатаман оҳиста.

...Эллик йил аввал эса
Зиёрат қайда эди.
Қабр ёнига бориш,
Ибодат қайда эди.

Бу муқаддас жой доим
Ёпиқ эди эл учун.
Битагина қоровул
Турар эди туну-кун.

Кўплар келиб киролмай
Қайтар эди аламда.
Ул зот номи ҳаттоки

Олинмасди қаламга.

Занжирли дарвоза олдида

Ҳа, мен ҳам борардим бола пайтимда,
Ҳеч ким қайтаролмас эди аҳдимдан.

Нима тортган билолмасдим у замон,
Юрагимда қолган аммо кўп армон.

Кўролмайин қайтардим ул зот қабрин,
Бироқ, худо бераверарди сабрим .

Яна қайта-қайта бориб тўймасдим,
Тирқишлардан термулмоқни қўймасдим.

Йўл бермасди ўша – занглаган занжир
Эсласам ҳозир ҳам эзилар бағир.

Қабр қандай экан дея ўйлардим,
Эски нақшин деворларга бўйлардим.

Кейин билсам – тортган экан улуғ рух,
Узун оғочдаги оппоқ қутлуғ туғ.

Биздан мадад сўраб турарди гўё,
У даврни дерлар “лаънати шўро.”

Дин-диёнат унут эди у замон,
Фарқи йўқдай – ким кофир, ким мусулмон.

Шукр, озод бўлдик, элу-юрт обод
Дунё юзин кўрди кўнгиллар ҳам шод.

Англамоқ ҳам мумкин бўлди даҳони
Баҳоуддин деган азиз сиймони.

Эрк шамолдан очилди у дарвоза,
Ва дунёга кетди довруғ, овоза.

Нигоҳ ташлаб кўзинг тўймас ёнингга,
Меҳр, вафо нури кирар қонингга.

Шу сафларда юриб дадил, мардона
Хаёл сурмоқ қандай гўзал – Шарқона!

Изҳори дил

Мен бахтлиман минг бора
Туғилиб шу масканда.
Қумсагайман табора
Яшасам-да Тошкентда.

Тупроқ тортар, руҳ тортар
Ошиқарман ҳар қачон.
Узоқ-узоқ ўлтириб
Тавоф этарман шодон.

Гўё руҳлар энгандай
Фалакдан ер сарига.
Куч, мадад, қувват берар
Покиза кўнгилларга.

Зотан, қадимдан аён
Улуғлар ётган жойда.
Яшаган эл-улуслар
Доим топади фойда.

Яъниким – кўриб, билиб
Мададга келар руҳлар.
Ҳифзу-ҳимоя этиб

Мағфират айлаб турар.

Аммо, аммо... бу бахтни
Англаб етмаган каслар.
Азоб берди эл-юртга
Масту-аласт, бадмастлар.

Ахлатхона этишиб
Энг табаррук жойларни.
Булғаб келди етмиш йил
Писанд этмай раъйларни.

Улар кофирлар эди
Малъун дея аталган.
Дин-диёнат шаънини
Хор айлаган, топтаган.

Худосизлар замонин
Қурбони бўлди қанча.
“ Дин – хурофот, афюн” деб
Сафсата сотди анча.

Жанозасиз кўмилган
Кимсаларни кўрдик биз.
Азиз, муқаддас ерни
Хўрладилар тинимсиз.

На азон айтиларди,
На ўқиларди намоз.
Оғу, заҳар сақланиб
Унут бўлганди эъзоз.

Кимки Ҳақ сўзни айтса
“Халқ душмани” саналиб.
Ном-нишонсиз кетарди
Қамоқхонада чириб.

У кунлар ҳеч қайтмасин
Дея ўқийман дуо.
Бизни ҳар не балодан

Асрасин ўзи худо.

Энди атрофга боқиб
Яйраб кетади дилим.
Шукр, ёруғ кунларни
Кўрди жафокаш элим.

Муқаддас мажмуа таърифида

Энг аввал дарвозалар
Таърифин айлай баён.
Улар қадим замонда
Учта бўлгани аён.

Бири – “Боби салом” дир,
Яъни – салом эшиги.
Таъзим қилиб киргандир
Ташриф айлаган киши.

Бири – “Тоқимиёна”
Яъни – ўрта эшик у.
Нақшини кўрганларнинг
Яйраб кетгандир кўнгли.

Бирин дерлар – “Диловар,”
Маъниси – дил очгувчи.
Ҳар бир зиёратчининг
Дили очилгани чин.

Улардан ўтиб аста

Қабр сари келганлар.
Зиёрат одобини
Жуда яхши билганлар.

Энди жануб томонда
“Қўшдарвоза” қурилди.
Икки тарафдан кирмоқ
Имкони ҳам туғилди.

Бўй чўзган обидалар
Ҳар бири узоқ тарих.
Индаллосин айтганда
Уларга йўқ ҳеч таъриф.

Жамъе масжид, минора,
Хонақоҳ, қудуқ, айвон,
Сақоҳона, сарҳовуз
Салобат тўкар ҳамон.

Баҳоуддин даҳмаси
Қабртош – “санги мурод.”
Ўймакори устунлар
Ҳаммаси нафис санъат.

Уларни бунёд этган
Зотлар номи табаррук.
Амир Темурдан бошлаб
Музаффархон қадарлик.

Абдулазизхон сабаб
Хонақоҳ бўлган барпо.
Нодир Девонбеги ва
Абдуллахон ҳам, илло.

Кўп ҳиммат кўрсатганлар
Нақшбандга ҳурмат деб.
Яна қанча азизлар
Меҳнатлари сингган кўп.

Ҳоким Қушбеги ила

Абулфайзхон онаси.
Номини ҳам эслайлик
Келиб қолди хонаси.

“Даҳмаи шоҳон ” ичра
Ётар қанча даҳолар.
Илму-хунар, салтанат
Бобидаги сиймолар.

Абдуллахон ҳам шунда,
Субҳонқулихон тагин.
Хазирада топасиз
Имомқулихон қабрин.

Нодир Девонбегининг
Сўнгги макони бу жой.
У тиклатган бинолар
Ҳамон кўрсатар чирой.

Яна номи намаълум
Зотлар хоки бор бунда.
Улар ётмоқ ишташган
Улуғ пирнинг ёнида.

Ҳар жума ва ҳайитда
“Шоҳроҳ” да юриб дадил.
Бухорои шарифдан
Шу даргоҳга келган эл.

Шоҳ ҳам яёв келмоқни
Шараф билган ўзига.
Баҳоуддин хокини
Суртиб икки кўзига.

Мен ҳам юрак ҳапқириб
Худди улар сингари.
Аста қадам қўяман
“Бисмиллоҳ” деб ичкари.

Баҳоуддин қабри ёнида

Етиб келдим ниҳоят
Дорулбақо масканга.
Бундай табаррук жой кўп
Хур, жонажон Ватанда.

У мен учун кўп азиз,
У мен учун муқаддас.
Ҳис этгандай бўламан
Гўё улуғ бир нафас.

Тупроғин ўпгим келар,
Тошларин кўзга суртгим.
Қандай буюк зотларинг
Бор-да сенинг, эй юртим!

Ахир қанча инсонлар
Келиб кетган бу жойга.
Шоҳу-гадолар бари
Чирой қўшган чиройга.

Қанча дуо ўқилган,
Қанча қилинган ният.
Бунинг ҳисоб-китобин
Аллоҳ билади фақат.

Бу ерда сал узоқроқ
Тураверсам бўлади.
Баҳоуддин ҳаёти
Кўз ўнгимга келади.

Оила бобида

Ёдимга тушади Навоий, Машраб,

Оила қурмайин ўтганлар, ажаб.

Бир тирноқ қолмоғи мерос-ку ахир,
Элу-юртга ҳам бу эъзоз-ку ахир.

На чора, тақдири азал эрур бу,
Улуғлар наздида масал эрур бу.

Баҳоуддин эса вояга етгач
Кўнглида муҳаббат уруғи унгач.

Бобойи Самосий бош бўлди ўзи,
Асло рад этилмас эди-да сўзи.

Уни уйлантирди йигитлар монанд
Бахтли бўлмоғини истади ҳарчанд.

Меҳру-муҳаббатдан шод Баҳоуддин
Бир муддат шу зайл ўтказди умрин...

Дунёнинг ишларин англамоқ мушкул,
Зотан, улуғ зотга доир бўлса ул.

Ахир у эл-юртнинг ғамида бўлар,
Аксари оиласидан воз кечар.

Шундоқ бўлди э, воҳ, Нақшбандда ҳам,
Ғойибдан бир овоз келди даъфатан:

“Ҳар недан узоқроқ юриб, умидни
Бизга қаратмоққа вақт келмадими? ”

Англади бу овоз маънисини у,
Қалбини қуршади ғам ила қайғу.

Шундай юраверди далли, девона
Завжага ачиниш туяр эди-да.

Шоҳи Зинда ичра ухлаб бир сафар

Туш кўрди.Тушида Хизр дер:”Магар

Чин сўфий бўламан десанг бил, илло,
Хотинингга рағбат қилмагин асло!”

Тақдир аён эди – бешавқат тақдир,
Тақдирга эса йўқ дейдилар тадбир.

Шундай эса-да, у суюкли фарзанд
Кўргани аёндир – икки аржуманд.

Бири ўғил эди – жувонмарг кетди,
Нақшбанд эзилиб ҳар гал эслайди:

“Ўғли вафот этган Пайғамбарнинг ҳам
Бизда ҳам шу аҳвол юз берди, зотан.

Бу ишлар ҳаммаси тақдир меваси
Аллоҳ инояти ва иродаси”.

Шукрки, қизининг бахтин кўрди у,
Ўқиб, камол топиб турмуш қурди у.

Халфа Алоуддин Аттор куёвдир,
Уларнинг эса гул фарзанди бордир.

Ҳазрат Ҳасан Аттор дерлар номин эл,
Ҳозир унинг қабри Деновдадир, бил.

Демак, яшамоқда юртимизда кўп
Нақшбанд авлоди қиз томондан хўп.

Улар қони беҳад табаррук эрур
Шундай зотлар элу-юртга файз берур.

Баҳоуддин даҳмаси узра

Ҳар бир инсон умрида
Азиз лаҳза бўлади.
Бу сония кўнглига
То ўлгунча келади.

Менда ҳам бор шундай дам
У шу қабрда кечган.
Дедилар – даҳма узра
Ўсиб чиқибди тикан.

Айтингиз ичингиздан
Ким чиқиб супуради?
Кинога тасвирга олиш
Шуни талаб қилади.

Ҳамма жим қолган маҳал
“Мен” деганим билмадим.
Худо кўнглимга солди
Йўкса журъат қилмасдим.

О, ўша ҳур дақиқа,
О, ўша улуғ дамлар.
Даҳма устида кўриб
Менга боқар одамлар.

Бори меҳримни бериб
Супурдим ҳар заррани.
Гўё юлиб олгандек
Пок бадандан ярани.

Руҳимда бир илиқлик,
Кўнгилда таскин тўйдим.
Имом “савоб иш” деди
Мен бу юмушни суйдим.

Қани эди ҳар куни
Сурурсам у даҳмани
Бахтли санардим ўзим
Эъзозлаб ҳар лаҳзани.

Ҳаж сафарлари

Аллоҳнинг фарзини бажо этай деб
Икки бор Ҳижозга сафар қилди хўб.

Барча ҳаж амалин бажариб дилдан
Аллоҳнинг номини қўймади тилдан.

Бир йилча яшади Мадинада у
Эга бўлгандайин хазинага у.

Қанча шайх, аллома, улуғ зотлар-ла
Суҳбат қурди ислом дини бобида.

Кўплаб саволларга жавоб излади
Тариқат, мазҳаблар ҳақда сўзлади.

Нишопур, Ҳироту Боғдод, Марвда,
Баҳс этди кўрлар ила сабрла.

Оқибат-араб, форс ва туркий элни
Якдил айламоққа боғлади белни.

Уч-тўрт йил сафари чоғида қойим
Китоб мутоала айлади доим.

Араб фалсафаси ўқиди ўктам,
Лотиндан ўгрилган асарларни ҳам.

Табобат, ҳандаса, кимё ва бошқа
Кўплаб фанлар ила тутинди ошна.

Зотан, поёнига етмаганди ул
Боязид Бастомий бошлаб берган йўл.

Қанча тариқатлар юзага келган,
Ҳаммаси ҳақ йўлни кўрсатмоқ бўлган.

Ва лекин энг яқин ва маъқул йўлни
У айтди – ҳаммага муносиб бўлди.

“Дил ба ёр. Даст ба қор” шиори доим,
“Дил ҳақда, қўл ишда” бўлмоғи лозим.

Бу йўл суҳбат ва муҳаббат йўлидир
Ҳалол риск топмоқ-ла яшамоқ зарур.

Ўзни инкор ва борин нисор этмоқ ҳам
Бу йўлдан юрмоқнинг шарти хусусан.

Истарди Нақшбанд умид ушалса,
Кўчманчи ва ўтроқ халқлар бирлашса.

Фарз, вожиб ва суннат амални доим
Адо этиб юрмоқ керакдир, токим.

Шу йўлни танлаган уммат англайди
Ўзга тариқатга ҳожат қолмайди.

Икки ривоят

Яна ривоятлар айтгим келади,
Ҳақиқат эмас деб қойиманг мени.
Мен ҳам эшитганман ё ўқиганман
Улар ёритади доим кўнгилни.

Икки ривоятни айлайин баён
Бириси маърожда юз берган гўё.
Меърожга чиққанда пайғамбаримиз
Аллоҳ ила суҳбат қурганда, илло.

Қат-қат парда турган орада тайин
Пайғамбар ҳайратда бўлганда ажаб.
Шу дам ёнларидан аста бир шарпа
Аллоҳ томон ўтиб кетганмиш, ё раб.

Пайғамбар демишлар:-Эй,қодир Эгам
Ким бўлди сен томон ўтиб кетгувчи?
Наҳот у шунчалар азиз, мукаррам?
Васлу-висолингга аввал етгувчи.

Аллоҳ демиш: - Эй,Муҳаммад. Қарангиз
Сизда шундай эрка умматлар бисёр.
У сиздан етти аср кейин келувчи
Баҳоуддин руҳи эрур барқарор.

Пайғамбар шод бўлиб шукр айтмишлар
“Шундай умматларим бўлар эканда!”
Чиндан-да, бундайин улуғ сиймолар
Беҳад бисёр эрур бизнинг Ватанда.

Иккинчи ривоят тарнов ҳақида
Оддий эмас асло у тарнов,яъни,
Каъба томидаги тилла тарнов у
Шундан излайверинг моҳият, маъни.

Бир замон у қулаб тушибди
Сира ўрнатиб бўлмабди жойига қаранг.
Қанча қийган билан тушиб кетармиш
Халойиқ ҳайратда қолганмиш аттанг.

Шунда пайдо бўлган Нақшбанд демиш:
- Эй, тарнов, қани тез ўз жойингга бор!
Ажабо, каромат юз бериб шу он
Тарнов ўз жойига чиққанмиш дарров.

Бу воққани етти аср муқаддам
Ҳамма аниқ-тиниқ кўрган эмишлар
Макка аҳли ўша тушган тарновни
“Баҳоуддин тарнови” деган эмишлар.

Ҳиротдаги ҳодиса

Ҳирот шоҳи Малик Ҳусайн бир кун
Базм ташкил этди Нақшбанд учун.

Жам бўлди уламо.аъёнлар бари
Нигоҳин тикишган Нақшбанд сари.

Ҳамма доно гаплар тинглашдан аввал
Тановул қилмоққа чоғланган маҳал.

Азиз меҳмоннинг ҳеч парвоси келмас
Бирорта неъматга қўлини урмас.

Сабабин сўради шоҳ таажжуб ила,
Нақшбанд ҳам уни тутди саволга:

- Айтингчи , жанобда касб-кор борми?
Шоҳ деди: - Мен шу юртнинг ҳукмдори!

Нақшбанд дер: - Шоҳлик касбмас,зотан
Ҳар ким меҳнат қилиб рисқини топган.

Тарихдан маълумки – Довуд пайғамбар
Касб-корда моҳир темирчи бўлганлар.

Ҳамма ҳайрон боқиб қолди жонсарак
Шоҳ деди: - Таомни не қилмоқ керак?

Нақшбанд дер: - Буйруқ бор шариатда.
Ҳар нарасада шубҳа бўлса албатта.

Уни фуқарога тарқатмоқ лозим,
Шундай йўл тутгандир шайхлар ҳам доим.

Давра аҳли таҳсин айтди даъфатан,
Таом фуқарога берилди шу дам.

Ҳодиса ёйилди атрофга дарроқ,
Нақшбанд шаънига ёғилди мақтов.

Яна ортиб борди элда шуҳрати
Шундай бўлар-да чин зотлар зийнати.

Қизилқум чўлида кўрилган туш

Оғир кечган эди Ҳаж сафарлари,
Қайтишда оғриди йўлда ногаҳон.

Ўлим хавфи яқин келгани маҳал
Васият айлади дўстларга чунон:

“Кимки мени кўрмоқ истаса агар
Муҳаммад Парсонинг олдига борсин”.
Демакки, суюкли уч халифадан
Уни танлагани бўлганди тайин.

Гарчи Алоуддин Аттор беназир,
Гарчи Алоуддин Гиждувоний зўр.
Муҳаммад Порсони билганди аъло
Унга меҳри баланд эди ҳайтовур.

Яна у туш кўрди Қизилқўм чўлда
Тушида Иброҳим пайғамбар сўрар:
“Айтгил-чи не олиб келяпсан Ҳондон?”
Нақшбанд шундайин жавобни берар:

“Табаррук сув тўла кўзам бор, яна
Азим тут ёғочдан ясалган асо.
Ва тагин табаррук тасбеҳ олганман
Улар беҳад азиз мен учун расо ”.

Иброҳим пайғамбар буюрар унга:
Тасбеҳ доналарин шогирдларга бер.
Улар тариқатни оламга ёйсин,
Чунки сенинг йўлинг тўғри йўл эрур.

Ҳассани ҳовузнинг бўйига суқгил
У униб чиқади ва бўлар баҳайбат.
Билгилки, бу сенинг сафардан кейин
Валий бўлганинга эрур далолат.

Худди шундай кечди воқеалар сўнг,
У юксак мақомга эришди. Етди.
Ва камол топтирган тариқатнинг ҳам
Довруғи етти иқлим сари кетди.

Лирик чекиниш

Мозор боғ бўлгандир бунда бир замон,
Унда кичик ҳужра шайх учун ошён.

Яшаш тарзи оддий бўлса ҳам аммо
Шуур, тафаккури эди бир дунё.

Келган ҳадяларни элга тарқатган
Шу сабаб оламга доврӯғ таратган.

У тадқиқ этиб ўз-ўзини демиш:
“Нафсимда бирор-бир фойда йўқ эмиш
Ҳатто ит тезаги мендан фойдали,
Менинг ҳаётимда қанчалик маъни?”

Шундай санар эди ўзини у зот,
Инсон маҳлуқлигин айтарди бот-бот.

У вужудни инкор этарди доим
Ва борини нисор этарди доим.

Гарчи фақирликни танлади аммо
Унга берди мартаба Аллоҳ-таоло.

Рашҳалар

Ҳар бир тариқатда бордир қоида
Мурид унга амал қилмоғи зарур.
Токи камол топиб бормоғи учун
Пирга ҳам сўзсиз бўйн эгмоқ шарт эрур.

Тариқат дегани бу – йўл албатта,
Ўргатар у Ҳаққа етмоқ йўриғин.
Турон заминида яратгандилар
Яссавий ва Кубро тариқатларин.

Ва сўнгги тариқат учта сиймонинг
Буюк меҳнатлари сабаб тарқалди.
Юсуф Ҳамадоний эккан ниҳолни
Ғиждувоний ва Нақшбанд яшнатди.

У “Ҳожагон-Нақшбандия” эрур
Ўн битта рашҳаси – қоидаси бор.
Кимки бу тариқатни англамоқ бўлса
Рашҳаларни англаб етмоғи даркор.

Раҳша – томчи демак, табаррук томчи
Аввалги тўрттаси Ҳамадонийдан.
Уларни таърифу-тавфсиф этганлар
Навоий, Жомий, Ҳожа Ахрор ҳам.

Илк рашҳа – “Хуш дар дам” дея аталур
Яъниким – нафасда хушёрлик керак.
Ҳар нафас олганда ва чиқарганда
Албатта Аллоҳ ёд этилур бешак.

Иккинчи рашҳа бу – “Назар ба қадам”
Яъниким – қадамга назар солишдир.
Мақсад эса – ҳаёл ҳеч сочилмайин
Ёмон нарсаларга чалғимасликдир.

Учинчи раҳша бу – “Сафар дар ватан”
Унинг маъниси кўп, баёни бисёр.

Мурод шул – одам ўз аслига ва Ҳаққа
Доим сафар қилиб турмоғи даркор.

Яна дейдиларки – сафар уч хилдир:
Бири ер узра ибрат излаб юриш.
Бири – етук муршид ахтармоқ эрур
Бири – ёт сифатдан яхшига ўтиш.

Тўртинчи раҳшани айласам баён
Уни дейдилар – “хилват дар анжуман”
Солик бўлмоғи шарт эрур ҳамиша
Зоҳирда халқу, ботинда Ҳақ билан.

Шу икки раҳшани этиб жамул-жам
Навоий битганлар шундай байтни ҳам:
“Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл
Тила хилвату анжуман ичра бўл”.

Кейинги тўрт раҳша Ғиждувонийдан,
Улар ҳам пурмаъно, пурсифат эрур.
Мағзини чаққан ҳар муслим банданинг
Қалби ёруғ бўлур, оташга тўлур.

Бешинчи раҳша – “Ёдкард” деб аталган
У зикр бобида таълим беради.
Унутганни эсла, хотирда туту
Тил ва дил зикрин адо этгин деяди.

Олтинчи раҳшани – “Бозгашт” демишлар
У зикр тугагач айтилар бирдан
Тил ва дил ила такрор этарлар:
“Худовандо, мени мақсудим сенсан”.

Еттинчи раҳшанинг номи – “Нигоҳдошт”
Яъниким, “Нигоҳ сол” деган маъноси.
То зикр пайтида қалбни авайлаб
Чалғимай турмоқлик эрур асоси.

Саккизинчи раҳша – “Ёддошт” дейилур

Ҳар лаҳза Аллоҳни ёд этмоқ албат.
У солиқ амали самарасидур.
“Ғойиб бўлмайдиган ҳузур- ҳаловат”.

Эндиги уч раҳша Нақшбандийдан
Улар аталади “вуҳуф” номи-ла.
Вуҳуф – бу “билим”, “таълимот” демакдир
Демак, кирадирсиз илм конига.

Тўққизинчи раҳша бобида гап шу –
“Вуҳуфи замоний” деб аталмишда.
Яъни, замонадан воқиф бўлмоқ ва
Ўз-ўзини тергаб туриш ҳамиша.

Бунда солиқ қалбга назар солади
Аллоҳ ила бўлса шукр айтади.
Мабодо чалғиб бошқа нарсага
Ғофил қолган бўлса узр айтади.

Ўнинчи раҳша – “Вуҳуфи ададий”
Зикрда ҳисобга амал қилишдир.
Яъни, калимаи тойиба айтилса
Қачон мурод ҳосил бўлар билишдир.

Тоқ сонларда : “Ла илаҳа иллаллоҳ
Муҳаммадан Расулаллоҳ” айтилар
Қай бир сонда самара сезса демак
Ҳар гал ўша сонга етиб тўхталар.

Ўн биринчи раҳша – “Вуҳуфи қалбий”
Уни энг зарур деб билган Нақшбанд.
Дарҳақиқат, “қалбдан воқиф бўлмоқлик”
Ҳар инсон учун ҳам шарт эрур ҳар чанд.

Бу раҳша маъноси шу зикр аҳли
Ўз қалби ҳолидан хабардор бўлсин.
Аллоҳ зикри фикри амри ила
Машғул бўлмоқғини назорат қилсин.

...яна кўп таърифлар келтиргим келар

Ахир маъни, матлаб кўп-да уларда.
Аммо сўзлаб адо этиб бўлмайди
Қаноат қиласиз ҳозир шуларга.

Айтган ҳикматлари

“Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё”
Деб битган эдилар Садриддин Салим.
Ул зот валиймиди дея ўйлайман
Кўриб ва эшитиб қилган ишларин.

Қанча китоб ёзди пирлар ҳақида,
Қидирди ва топди авлиёларни.
Гарчи Мустақиллик даврини кўрди
Аммо сал эрта тарк этди дунёни.

Ундан қолган битта ҳикматни айлай
Сўрсалар : “нечун йўқ ҳозир валий зот?
Демишлар: Валий аммо минг афсус
Уни кўрадиган кўзлар йўқ”.

Ҳа, бизлар кўрлар, сохта каслармиз
Қадрига етмаймиз азизларни ҳеч.
Ҳаётин, меҳнатин англаб етганда
Вақт ўтган бўлади, бўлар жуда кеч.

Ҳали вақт бор экан яшашга шошинг
Буюк ҳикматларни шиор билингиз.
Аллоҳнинг ҳар сўзи ҳикмат-ку ахир
Пайғамбар ҳадисин дилга тугингиз.

Нақшбанд сўзлари, айтган гаплари
Беҳисоб ҳикматдир – ўқиб тўймайман.
Ҳар давра , суҳбатда, тўйу-ҳашамда
Уларни айтмоқни сира қўймайман.

Сизга ҳам айтайин мингдан бирини

Ҳаммасин битсам юз достон бўлади.
Аммо бир ҳикматин мағзин чақсангиз
Биламан – кўнглингиз шавққа тўлади.

Бир пайт битган эдим мен битта ғазал
Уни келтирайин келиб қолди гал:

Ажаб дуолари бор Баҳоуддин бобомнинг
Минг бир садолари бор Баҳоуддин бобомни.

“Дилинг Аллоҳда бўлиб, қўлинг меҳнатда бўлсин”
Деган нидолари бор Баҳоуддин бобомнинг.

“Кам егин-у, кам ухла, кам гапиргил ҳамиша”
Деган садолари бор Баҳоуддин бобомнинг.

“Бизга мотам на ҳожат, ғарибга ғам на ҳожат”
Деган раволари бор Баҳоуддин бобомнинг.

“Эл куйида гадоман, васли дея адоман”
Деган наволари бор Баҳоуддин бобомнинг.

“Қўлим дуода бўлиб жон бермоғимни кўринг”
Деган қазолари бор Баҳоуддин бобомнинг.

Эл-улусга бу ҳикмат олмоғи учун ибрат
Ахир ҳимолари бор Баҳоуддин бобомнинг.

Ҳа, мадад беради бизга бобомиз
Уни ўқиб, ўқиб қувват оламиз.

Қай бирин айтишга шошиб қоламан
Ҳаммаси ғаройиб эрур даъфатан.

Энг улуғ ҳикмати - мен учун шиор
Ҳаётим маъниси шу сўзда ошкор.

Яъниким, деганлар – “шамъга ўхшагин,
Нур сочгилу, қоронғуликда бўлгин”.

“Ҳақ йўлида ҳеч арзимас нарса бу
Одамзод бошидир билсангиз, ёху”.

“Азизон демишлар – ер дастурхондан
Биз эса дегаймиз – у тирноқчалик”

“Оламда яхшини дўст тутмоқ яхши,
Зўр бўлсанг – ёмонни дўст тута бил-чи”.

“Хуфя зикр кучли, аъло бўлган-чун”
Бу йўлни ихтиёр этдик инчунун.

“Барча ҳол муҳаббат сабаб юз берар,
Аллоҳга муҳаббат ғайрат-ла ортар.”

“Халқни тўғри йўлга бошла деб зотан
Аллоҳ бу дунёга мени келтирган”

“Сабр ва чидамда ноғорадек бўл
Қанча зарб есанг ҳам овоз бер бир хил.”

“Халққа яқинликдан кўра аввало
Ҳаққа яқин бўлмоқ бўлғучи аъло ”.

“Токай валий хокин тавоф этурсан
Йўлин давом эттир – Ҳаққа етурсан”.

“Нимаики топган бўлсанг мабодо”
Топдим ёлвориш ва тазарру ила.

Эй, азиз ўқувчим, тафаккур этинг
Ва барча ҳикматлар тубига етинг.

Кўнгилга назар

Нақшбанд ўғити дилимга кўчди

Хилватни қўмсадим, тунни дўст тутдим.
Чор атроф зулматга тўлган пайтлари
Шамъ бўлиб ёнмоқни жуда истадим.

Парвона ишқига ўхшар бу ишқим
Жон қайда қўрқув не – парвойим келмас.
Илоҳий руҳият чўлғайди мени
Ишқи йўқ кимсалар бу ҳолни билмас.

Шамол ва ёмғирлар ўчирмоқ бўлар
Эгилар, энтикар, гуруллар олов .
Мен уни ҳимоя этмоқ истаيمان
Ва англаб етаман – керакдир қалов!

“Дил ба ёр, даст ба кор ” мададга келар
Нажот шу, мурод шу, дейди ҳар япроқ.
Аллоҳни дилимга жо айлаб доим
Қўлимни меҳнатга бераман ҳар чоқ.

О, ҳаёт нашъаси, о, роҳати руҳ,
Сенга етишганим ўзи менга бахт.
Сеҳрингни, меҳрингни туйдим дунёда
Менинг мададкорим эрур Нақшбанд!

Жавоҳирномалар

Назм – сўз мулкининг гултожи эрур,
Назм - шеър аҳлининг меърожи эрур.

Шу сабаб битилгай назмда ҳақ сўз,
Ҳақ сўзни тингламоқ керакдир ҳар рўз.

Токай у дилларга нур тарагуси,
Инсонни Ҳақ томонга қаратгувси.

Қуръон ҳам назмда нозил бўлгандир,
Уни тингламоқлик инсонга ҳузур.

Нақшбанд ҳам назм этгани аён,
Унинг маънисидан ором олар жон.

Битта намунаи келтирай бу кез
Ҳикматли рубоий эрур ҳўп нафис:

“Ошиқ улки – муслим ё мусурмон бўлмас, билгил,
Ошиқ улки – на куфру, на иймон бўлмас, билгил,

Ошиқ эмасдир ул – гар унда бўлса бил, вужуд,
Ошиқ улки – на ақл, на тан, жон бўлмас, билгил.”

Яна бир рубоий битганлар гўзал
У ҳар бир бандага эрур зўр масал:

“Бизга ҳою ҳашам на ҳожат,
Ғарибликда ғам на ҳожат,

Жанда бирла ўлсак мозорда
Дабдабали мотам на ҳожат.”

Ушбу фард эса нақ ҳаммамизга панд,
Уни англаб етмоқ файз беруր ҳарчанд:

“Токай излагайсан паноҳ мардлардин,
Мардлар ишин қилиб қутил дардлардин.”

Тағин кўп жавоҳир битиклари бор,
Уни топиб ўқиш сизга бўлсин ёр.

Насиҳат асар ҳам ёзганлар талай
Муридларга сабоқ бўлсин деб атай.

Бири – “Ҳаётнома” номига монанд
Унда бор зарурий барча урф-одат.

Бириси - “Далили ошиқон” эрур
Кимга ошиқ эрса ўқиши зарур.

Бирин демишлар – “Авроди баҳоия”

Яъниким, бажармоқ шарт ҳар вазифа.

Яна бири – “Одоб ал - соликин” дур
Муридларга одоб илмин ўргатур.

Яна бири – “Насихат ул-соликин”
Шогирдларга насихат айлангандир чин.

Жами ўн уч асар битган эмишлар
Кўпи топилмаган ҳали демишлар.

Илоҳо, топилсин улар кўрайлик,
Ўқиб, уқиб маънан бойиб борайлик.

Ҳаёт ҳақиқати

Атрофга қарайман – кўнгилда зиё,
Нақадар мунаввар эрур бу дунё.

Ҳамма зиёратда, қўллар дуода,
Юрак – фароғатда, диллар – худода.

Ёшгина болакай – ўғил-қизчалар,
Ота-онасига эргашиб юрар.

Руҳига сингмоқда эътиқод,иймон,
Демак – у бормоқда Аллоҳга томон.

Йўлинг пок ва ёруғ бўлсин дейман мен,
Эртанги авлоднинг ғамин ейман мен.

Юрт шаъни тақдири уларда ахир
Илоҳим, мунаввар бўлсин ҳар тақдир.

Аммо ҳеч дostonни тугатгим келмас,
Нақшбанд ҳақда сўз айтиш осонмас.

Мен уни ҳис этиб юрдим ўн йиллар,

Журъат етмаганди битмоққа, магар.

Битсам, демак нуқта қўймоқ ҳам зарур,
Аммо нуқта қўймоқ... нақадар оғир.

Мен унинг ўлимин ёзмоғим керак,
“Ёзма,ёзма” дея йиғлайди юрак.

Ахир у дилимда, тилимда бўлса,
Мен билан ҳаётим йўлимда бўлса.

Қандай ўлган дея айта оламан,
Ёнма-ён яшар у – доим биламан.

Фақат... воқеани этаман баён
Ушбу ҳикоят ҳам эл учун шоён.

Умрининг сўнгги дамлари

Валий зотлар ўлимларин билишар,
Элу-юртни бундан огоҳ қилишар.

Манзилига етгач умр карвони
Ҳаққа берар бўлди Нақшбанд жонни.

Бир кун аввал жой танлаб у мазор боғда
Қабр қаздирди Аллоуддин Атторга.

Вале, кетар чоғи деди: - Ёронлар,
Қандайин жон бермоғимни кўрсинлар.

Қўл дуода турган ҳолда, ё, Аллоҳ,
Бу дунёни тарк айлади баногоҳ.

Васиятга кўра тобут бошида
Ўқидилар ушбу байтни оҳиста:

“Қўйинга бўлдим ёр гадоман,
Висолинг тилаб зор, адоман ”.

Буюк мотам кўрди Қасри Орифон
Қайта бундай мотам бўлмас ҳеч қачон.

Эллар оқиб келди ҳамма томондан.
Хатто мусофирлар олис қарвондан.

Хабарни эшитиб шошдилар бари
Баҳоуддин балогардон сари.

Ўша кундан азиз бўлди бу ошён,
Бу қабр, бу замин, бу қишлоқ, макон.

Етмишдан сал ошган эди ёшлари,
Аммо минг балони кўрган бошлари.

Ором олгандайин бўлдилар бир пас,
Доим бу қабрдан келади хур сас!.

Мангу қўшиқ

“Дил ба ёру, даст ба кор,
Дил ба ёру, даст ба кор.”

Дуода ҳамма одам
Сарахбор айлар ҳар дам:

“Дил ба ёру, даст ба кор,
Дил ба ёру, даст ба кор.”

“Кўнгил аллоҳда эрур,
Кўлинг меҳнатда бўлур.”

“Дил ба ёру, даст ба кор,
Дил ба ёру, даст ба кор.”

Қалбга кирар шафоат,
Орзу бўлар ижобат.

“Дил ба ёру, даст ба кор,
Дил ба ёру, даст ба кор.”

Кўзимда ёш шошкатор,
Тилим этади такрор:

“Дил ба ёру, даст ба кор,
Дил ба ёру, даст ба кор.”

Хотима

Хаёлим етти юз йилча олисда
Нақшбанд қабридан чикдим оҳиста.

Оқ либос кийган у фаришта сиймо
Дуога қўл очиб тургандай гўё.

У - шариат билимдони беназир,
У – тариқат имомидир бекусур.

У – ҳақиқат пири эрур, ҳа, бешак,
Исми ҳам “дин нури, шуъласи” демак.

Хожаи Бузруг у, Шоҳи Нақшбанд,
Ному-нишонининг чеки йўқ чиндан.

Ким у билан суҳбат курса тамоми
Қалбида нақш бўлган худонинг номи.

Хаёти маънисин чақиб дафъатан
Дилимда бир ишонч барқ урар ҳар дам.

У яшайди тилларда ҳикмат бўлиб,
У яшайди элларга ибрат бўлиб.

2010 – 2020 йиллар, Бухоро – Тошкент – Дўрмон

